

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Яхшиликларнинг энг яхшиси - киши отасининг яқин дўстларига силаи раҳм қилишидир»**, дедилар».

Абдуллоҳ ибн Динордан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар Макканинг йўлида бир аъробийни учратиб, унга салом берди ва уни ўзи миниб юрадиган эшагига миндириб, бошидаги салласини ҳам унга берди. Биз унга: «Аллоҳ сизни саломат қилсин! Улар аъробийларку, озгина нарсага ҳам рози бўлаверишади», деган эдик, Абдуллоҳ: «Бунинг отаси (отам) Умар ибн Хаттобнинг суюкли дўсти эди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Яхшиликларнинг энг яхшиси - фарзанд отасининг яқин дўстларига силаи раҳм қилишидир»**, деганларини эшитганман», деди».

Ибн Динордан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар қачон Макка томонга чиқса, туя миниб чарчаганда дам олиш учун миниб турадиган эшаги ва бошига боғлайдиган салласи бўлар эди. Бир куни ўша эшагини миниб кетаётган эди, олдидан бир аъробий ўтиб қолди. Шунда: «Сен Фалончининг ўғли Фалончининг ўғли эмасмисан?» деди. У: «Ҳа, шундай», деди. Ибн Умар унга эшакни бериб, «Бунга миниб ол», деди, сўнг саллани бериб, «Буни бошингга ўраб ол», деди.

Шерикларидан бири унга: «Аллоҳ сизни мағфират қилсин! Чарчаганда миниб турадиган эшагингизни, бошингизга ўрайдиган саллангизни мана шу аъробийга бердингиз-а?» деган эди, «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Яхшиликларнинг энг яхшиси - киши отаси ўтганидан кейин унинг дўстларига силаи раҳм қилишидир»**, деганларини эшитганман. Унинг отаси (отам) Умарнинг дўсти эди», деди».

Бу ривоятларнинг барчасини Имом Муслим ривоят қилганлар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVAIDLARI

